

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

АДИЛОВА ДИЛОРОМ НУРИЛЛАЕВНА

**ПЕДАГОГИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ТАЛАБАЛАРИДА
МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАР ТИЗИМИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ
(Захириддин Муҳаммад Бобур асарлари мисолида)**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Адилова Дилором Нуриллаевна

Педагогика олий таълим муассасаси талабаларида маънавий-ахлоқий
қадриятлар тизимини ривожлантириш (Заҳириддин Муҳаммад Бобур
асарлари мисолида) 3

Адилова Дилором Нуриллаевна

Развитие системы духовно-нравственных ценностей у студентов
педагогического высшего образовательного учреждения (на примере
произведений Захириддина Мухаммада Бабура) 21

Adilova Dilorom Nurullaevna

Developing the system of spiritual and moral values in students of
pedagogical higher educational institutions (on the example of the works
by Zahir ud-Din Muhammad Babur)..... 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 45

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

АДИЛОВА ДИЛОРОМ НУРИЛЛАЕВНА

**ПЕДАГОГИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ТАЛАБАЛАРИДА
МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАР ТИЗИМИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ
(Захириддин Муҳаммад Бобур асарлари мисолида)**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.3.PhD/Ped1057 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tdpu.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ходжаев Бегзод Худойбердиевич
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ҳақимова Муҳаббат Файзиевна
педагогика фанлари доктори, профессор

Олимов Ширинбой Шарофович
педагогика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Термиз давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86; e-mail: tdpu_kengash@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-75-87; факс: (99871) 276-80-86.

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «__» _____ да _____ - рақамли реестр баённомаси).

З.Н.Мамаражабова

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

Р.Г.Исянов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доцент

С.С.Булатов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда тарихий-маданий, илмий-педагогик меросни ўрганиш ва тарғиб қилишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш, талабаларда миллий ва умумбашарий кадриятларга хурмат туйғусини ривожлантириш, бўлажак педагогларда тарихий-педагогик тафаккурни таркиб топтириш, адабий-педагогик манбаларга мотивацион-кадриятли муносабатни шакллантириш технологиялари таълим жараёнларига татбиқ этилмоқда. Халқаролашув ва интеграциялашув жараёнлари жадал тус олган бугунги кунда талабаларда маънавий-ахлоқий кадриятларни ўзлаштиришга ижобий мотивацияни шакллантириш, бўлажак касбнинг деонтологик компонентларини касбий тайёргарлик жараёнлари билан интеграциясини таъминлашнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш бўйича йирик халқаро лойиҳаларни амалга оширишга доир тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Жаҳон таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида талабаларда аксиологик ориентацияни шакллантиришнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш, бўлажак педагогларда касбий-педагогик кадриятлар тизимини ривожлантириш технологияларини ишлаб чиқиш, тарихий-антропологик ёндашув асосида таълим олувчиларда миллий ғурур ва ифтихорни таркиб топтиришнинг педагогик тизимини модернизациялаш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бўлажак ўқитувчиларда тарихий-маданий меросга аксиологик муносабатни қарор топтириш, педагогик лаёқатни ривожлантиришнинг кадриятга йўналтирилган компонентини такомиллаштириш, миллий ва умуминсоний кадриятлар асосида деонтологик компетентликни ривожлантиришнинг дидактик тизимини ишлаб чиқиш, бирламчи педагогик манбалар устида ишлашнинг рақамли таълимга асосланган технологияларини ишлаб чиқиш, виртуал-таълимий музейлар воситасида талабаларда тарихий-педагогик тафаккурни ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш долзарблик касб этади.

Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида маънавий баркамол ва мустақил фикрлайдиган авлодни тарбиялаш орқали жамиятда замонавий маънавий маконни яратиш устувор вазифалардан бири ҳисобланади. “Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс пойдевори барпо этилаётган ҳозирги тарихий жараёнда маънавий-маърифий ишларнинг самараси ва таъсирчанлигини ошириш, уларнинг кўлами ва миқёсини янада кенгайтириш, мамлакат аҳолиси, аввало, ёшлар қалбида амалга оширилаётган ислохотларга дахлдорлик ҳиссини кучайтириш, тарғибот-ташвиқот ва тарбия йўналишидаги ишларни илмий асосда ташкил этиш, мазкур соҳага доир илмий ва услубий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини мустаҳкамлашга қаратилган доимий мониторинг тизимини жорий қилиш”¹ устуворлик касб этмоқда. Бу эса, талабаларда маънавий-ахлоқий кадриятлар

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5040-сон “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.03.2021 й., 07/21/5040/0243-сон.

тизимини ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятларини аниқлаштириш, Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарлари воситасида талабаларда маънавий-ахлоқий кадриятлар тизимини ривожлантириш мазмунини ёритиб бериш, талабаларда маънавий-ахлоқий кадриятлар тизимини Бобур асарларини ўрганиш жараёнида ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитларини такомиллаштиришни такозо қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” фармонлари, 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4307-сон “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5040-сон “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги 1059-сон “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривож-ланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамиз олимларидан Н.Азимова, М.Каххарова, Ш.Мажитова, Р.Маматқулова, Г.Махмутова, М.Маҳкамова, О.Мусурмонова, С.Нишонова, Ш.Олимов, Д.Рўзиева, З.Салиева, Ш.Тайлакова, Ш.Тайланова, Н.Уринова, У.Утанов, Ш.Халилова, Н.Эгамбердиева, М.Қуроновларнинг тадқиқотларида бўлажак ўқитувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, жамиятда маънавий-ахлоқий муҳит барқарорлигини таъминлаш, миллий маънавий мерос асосида университет талабаларида хулқ-одоб фазилатларини тарбиялаш, талабаларни маънавий шакллантиришнинг ижтимоий-педагогик хусусиятлари, компетенциявий ёндашув асосида бўлажак педагогларни тарбиявий фаолиятга тайёрлаш, талабаларни шахсий ва касбий ижтимоийлаштириш масалалари ёритиб берилган. С.Азимжонов, Г.Ашурова, Р.Каримов, Х.Султонов, Б.Тўхлиев, Ш.Ҳайитовлар томонидан Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларининг адабий, лингвистик жиҳатлари тадқиқ этилган бўлса, Б.Қораева Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарлари асосида юқори синф ўқувчиларида ахлоқий эътиқодни тарбиялашга доир илмий изланишлар олиб борган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатлари олимларидан В.Байденко, А.Беляева, С.Зильберман, В.Игнатова, И.Исаев, О.Марачковская,

Н.Розов, И.Сурина, Л.Супрунова, А.Серый, С.Троянская, А.Шаров, Е.Шиянов, Г.Щевелёва, Н.Щурковалар томонидан педагогик маданият тизимида бўлажак педагогларни маънавий-ахлоқий шакллантириш, маънавий-ахлоқий шаклланишнинг педагогик омиллари, музей педагогикаси воситасида талабаларда умуммаданий компетентликни ривожлантириш масалалари ўрганилган.

Хорижлик олимлардан К.Андерсон, Б.Вилсон, М.Энтони, Н.Олт, Ж.Ким, В.Лесниак, Д.Тате, П.Говард кабилар маънавий ривожланишнинг устувор йўналишлари, узлуксиз маънавий ривожланишнинг педагогик тизими, маънавий шаклланишнинг психологик ва интегратив моделини тадқиқ этган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети илмий тадқиқот режасининг ПЗ-20170923121. “Таълим муассасаларида ҳамкорлик асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” (2017–2020 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади педагогика олий таълим муассасаси талабаларида маънавий-ахлоқий кадриятлар тизимини ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

талабаларда маънавий-ахлоқий кадриятлар тизимини ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятларини аниқлаштириш;

Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарлари воситасида талабаларда маънавий-ахлоқий кадриятлар тизимини ривожлантириш мазмунини ёритиб бериш;

Бобур асарлари воситасида талабаларда маънавий-ахлоқий кадриятлар тизимини ривожлантириш моделини ишлаб чиқиш;

талабаларда маънавий-ахлоқий кадриятлар тизимини Бобур асарларини ўрганиш жараёнида ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида талабаларда маънавий-ахлоқий кадриятлар тизимини ривожлантириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларида Тошкент давлат педагогика университети, Андижон давлат университети, Жиззах давлат педагогика университетининг 467 нафар респондент-талабаси иштирок этди.

Тадқиқотнинг предмети Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарлари асосида педагогика олий таълим муассасаси талабаларида маънавий-ахлоқий кадриятлар тизимини ривожлантириш мазмуни, шакл, метод ва воситалари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда муаммога доир адабиётларни қиёсий-танқидий ўрганиш ва таҳлил этиш; социометрик методлар (анкета, интервью, суҳбат); педагогик эксперимент; натижаларни математик ва статистик таҳлил этиш усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

талабаларнинг маънавий-ахлоқий кадриятлар тизими оламни инсонпарварлик нуқтаи назардан кўра олиш, дунё билан ўзаро уйғун муносабатларга киришиш, кадрият ва меъёрларнинг турли тизимлари ички бирлигини англаш каби аксиопедагогик хусусиятларни аксиологик йўналганлик билан интеграциясини кенгайтириш орқали аниқлаштирилган;

Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарлари воситасида талабаларда маънавий-ахлоқий кадриятлар тизимини ривожлантириш жараёнлари ватанпарварлик, ижтимоий, умуммаданий, фуқаролик компетенцияларини бадий педагогиканинг интегративлик, аттракторлик, репродуктивлик мезонлари билан идентифлигини таъминлаш орқали такомиллаштирилган;

талабаларда маънавий-ахлоқий кадриятлар тизимини ривожлантириш моделининг кадриятли-йўналтирувчи компоненти маънавий билимдонлик, маънавий кадриятлар тизимида ўз ўрнини аниқлаш имконияти ва ҳаётий вазиятларнинг кенг кўламида маънавий етукликни намоён қилиш қобилияти билан боғлиқ уч босқичли алгоритмни ишлаб чиқиш орқали такомиллаштирилган;

талабаларда маънавий-ахлоқий кадриятлар тизимини Бобур асарларини ўрганиш жараёнида ривожлантиришнинг ситуатив таълим имкониятларини кенгайтириш, бўлажак ўқитувчиларни “Жонли китоб” ижтимоий лойиҳаларига фаол жалб этиш, “Бобур адабий мероси” виртуал музейининг аксиопедагогик жиҳатларини оммалаштириш каби педагогик шарт-шароитлари анъанавий Шарқ ва инновацион педагогиканинг бевосита уйғунлигини таъминлаш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

“Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ва ижоди” номли ўқув қўлланма яратилган;

“Бобур адабий мероси” виртуал музейи (www.boburshoh.uz) яратилган;

Бобур асарлари воситасида талабаларда маънавий-ахлоқий кадриятлар тизимини ривожлантиришга доир интерфаол маънавий-маърифий тадбир ишланмалари ишлаб чиқилган;

талабаларда маънавий-ахлоқий кадриятлар тизимини Бобур асарларини ўрганиш жараёнида ривожлантиришга доир илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, муаммога фалсафий, методологик, методик, психологик ва педагогик ёндашувларга асосланганлиги; тадқиқот вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот методларининг қўлланилганлиги; тажриба-синов ишлари натижаларининг математик-статистик таҳлил методлари ёрдамида қайта ишланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти талабаларда кадриятлар тизимини ривожлантиришнинг моҳиятини очиб берилганлиги, мазкур жараённинг психологик-педагогик хусусиятларининг аниқлаштирилганлиги, Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарлари воситасида талабаларда маънавий-ахлоқий

қадриятлар тизимини ривожлантириш мазмунининг ёритиб берилганлиги, бўлажак ўқитувчиларда маънавий-ахлоқий қадриятлар тизимининг ривожланганлигини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичларининг ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Бобур асарлари воситасида талабаларда маънавий-ахлоқий қадриятлар тизимини ривожлантириш моделининг ишлаб чиқилганлиги, таянч маънавий компетенцияларни шакллантиришда Бобур асарларидан фойдаланиш йўлларининг аниқлаштирилганлиги, талабаларда маънавий-ахлоқий қадриятлар тизимини Бобур асарларини ўрганиш жараёнида ривожлантиришнинг ситуатив таълим имкониятларини кенгайтириш, бўлажак ўқитувчиларни “Жонли китоб” ижтимоий лойиҳаларига фаол жалб этиш, “Бобур адабий мероси” виртуал музейининг аксиопедагогик жиҳатларини оммалаштириш каби педагогик шарт-шароитларининг такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Педагогика олий таълим муассасаси талабаларида маънавий-ахлоқий қадриятлар тизимини ривожлантириш бўйича олинган тадқиқот натижалари асосида:

талабаларда маънавий-ахлоқий қадриятлар тизимини ривожлантиришнинг оламни инсонпарварлик нуқтаи назардан кўра олиш, маънавий-ахлоқий қадриятлар, дунё билан ўзаро уйғун муносабатларга киришиш, қадрият ва меъёрларнинг турли тизимлари ички бирлигини англаш каби аксиопедагогик хусусиятлари қадриятли-дунёқарашга доир субкомпетентликка устуворлик бериш асосида аниқлаштириш, Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарлари воситасида талабаларда маънавий-ахлоқий қадриятлар тизимини ривожлантириш жараёнларини ватанпарварлик, ижтимоий, умуммаданий, фуқаролик компетенцияларини бадиий педагогиканинг интегративлик, аттракторлик, репродуктивлик мезонлари билан идентивлигини таъминлаш орқали такомиллаштириш бўйича амалий таклиф ва тавсиялардан “Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ва ижоди” ўқув қўлланмасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2012 йил 14 мартдаги 107-сон буйруғи, 107-56-рақамли гувоҳнома). Натижада, педагогика олий таълим муассасаларида ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда Бобур ижодидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имконияти яратилган;

талабаларда маънавий-ахлоқий қадриятлар тизимини ривожлантириш моделининг қадриятли-йўналтирувчи компонентини маънавий билимдонлик, маънавий қадриятлар тизимида ўз ўрнини аниқлаш имконияти ва ҳаётий вазиятларнинг кенг кўламида маънавий етукликни намоён қилиш қобилияти билан боғлиқ уч босқичли алгоритмни ишлаб чиқиш орқали такомиллаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан “Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ва ижоди” ўқув қўлланмасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2012 йил 14 мартдаги 107-сон буйруғи, 107-56-рақамли гувоҳнома). Натижада, Бобур асарлари асосида талабаларда маънавий-ахлоқий қадриятлар тизимини

ривожлантиришнинг амалий-технологик тизимини такомиллаштиришга эришилган;

талабаларда маънавий-ахлоқий қадриятлар тизимини Бобур асарларини ўрганиш жараёнида ривожлантиришнинг ситуатив таълим имкониятларини кенгайтириш, бўлажак ўқитувчиларни “Жонли китоб” ижтимоий лойиҳаларига фаол жалб этиш, “Бобур адабий мероси” виртуал музейининг аксиопедагогик жиҳатларини оммалаштириш каби педагогик шарт-шароитларини анъанавий Шарқ ва инновацион педагогиканинг бевосита уйғунлигини таъминлаш асосида такомиллаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан “Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ва ижоди” ўқув қўлланмасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2012 йил 14 мартдаги 107-сон буйруғи, 107-56-рақамли гувоҳнома). Натижада, бадиий-педагогик асарлар асосида виртуал музейлар яратиш самарадорлигини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий-услубий ишлар, шу жумладан, 1 та ўқув қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, 120 саҳифа матн, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг **“Педагогика олий таълим муассасаси талабаларида маънавий-ахлоқий қадриятлар тизимини ривожлантиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида талабаларда маънавий-ахлоқий қадриятлар тизимини ривожлантириш долзарб педагогик муаммо эканлиги, мазкур жараёни ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари ёритиб берилган.

Сўнги йилларда таълим тизими, шу жумладан, олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан,

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Таълим тўғрисида”ги Қонунида таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари сифатида таълим соҳасида камситишларга йўл қўйилмаслиги, таълим олишга доир тенг имкониятларнинг таъминланиши, таълим ва тарбияга миллий ҳамда умуминсоний кадриятларнинг сингдирилганлиги, таълим ва тарбиянинг инсонпарварлик, демократик хусусияти кабилар белгилаб берилган.

Тадқиқот муаммосига доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб берилган вазифаларни муайян даражада ҳал этиш ҳамда масаланинг долзарблигини асослаш учун мавзу билан боғлиқ “кадрият”, “маънавият”, “ахлоқ”, “кадриятлар тизими”, “маънавий-ахлоқий кадриятлар тизими” тушунчаларининг мазмун-моҳияти мазкур бобда ёритиб берилди. Жумладан, кадриятлар – фалсафий категория бўлиб, инсониятнинг маънавий тараққиёти йўлида эришган муҳим ютуғи сифатида вужудга келди. У оламдаги нарсалар, ҳодиса ва жараёнлар моҳиятини инсон ва жамият манфаатлари нуқтаи назаридан билиш, идрок этиш йўлидаги муҳим қадам, моҳиятни билишга янгича ёндашишдир.

Маънавият – инсоннинг ички ҳаёти, руҳий кечинмалари, ақл-заковатининг маҳсули, унинг ижтимоий, руҳий фаолиятининг ўзига хос дастури бўлиб, у она Ватанга ҳурмат, миллий ўз-ўзини англаш, миллий ва умуминсоний кадриятлар негизида шаклланади. Бу жараёнлар миллатнинг ўз озодлиги учун курашида, ўз манфаатларини химоя этишида, тараққиётга интилишларида намоён бўлади.

Ахлоқ маънавиятнинг таркибий қисми сифатида шахс камолотининг юқори босқичи саналади. Зеро, ахлоқ, ахлоқий меъёрларсиз шахснинг руҳий ва жисмонан етуклигининг мезони бўлган маънавий камолотга эришиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам маънавий-ахлоқий тарбияда узвийлик, алоқадорлик диалектик характерга эга бўлиб, шахснинг маънавий-ахлоқий шаклланишида муҳим саналади.

“Кадриятлар тизими” барқарор, доимий ва динамик-функционал алоқадорликка эга кадриятга йўналтирилган (баҳолашга доир) фаолият асосида касбий тайёргарлик жараёнида шаклланадиган компонентлар (кадриятнинг турлари ва шакллари) мажмуидир.

Маънавий-ахлоқий кадриятлар тизими эса, маънавий-ахлоқий меъёрларга доир билим, ахлоқий танловни асослай олиш кўникмаси ҳамда уларни амалга ошириш қобилияти ётадиган шахснинг кадриятли йўналганлиги ҳамда кадрият ва меъёрларнинг турли тизимлари ички бирлигини англаш учун инсоннинг ўз маънавий оламини ривожлантириши ва амалга ошириши каби ўзига хос белгиларга эга кадриятли-дунёқарашга доир субкомпетентликдир.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, мазмунан маънавий-ахлоқий кадриятлар тизими маданий ҳодиса сифатида интегратив тавсифга эга бўлиб, умуминсоний кадриятлар ва замонавий шароитда муҳим ҳисобланган ахлоқий меъёрларни ўзлаштиришнинг муайян даражасини ўзида акс эттиради (1-расмга қаранг).

Маънавий-ахлоқий кадриятлар тизими шахс интегратив хусусияти сифатида ўзида маънавий билимдонлик, маънавий кадриятлар тизимида ўз

ўрнини аниқлаш имконияти ва ҳаётий вазиятларнинг кенг қўламида маънавий етукликни намоён қилиш қобилиятини бирлаштиради.




1-расм. Маънавий-ахлоқий қадриятлар тизими

Талабалик – шахснинг касбий шаклланиши ва маънавий-ахлоқий қадриятлар тизимининг ривожланиши нуқтаи назаридан муҳим ёш даври. Мазкур ёш даври ўзининг алоҳида эҳтиёжлари, шахснинг сифат жиҳатдан ўзгариши, психик ҳаётнинг ўзига хосликларининг мавжудлиги билан тавсифланади. Биз ўз тадқиқотимизда мазкур ёш даврининг қуйидаги ўзига хосликларига эътиборимизни қаратдик: ёшлар ўзларининг режаларини тузиб, мустақил ҳаёт тарзини белгилаб ва бирор-бир касбни ўзлаштиришга ҳаракат қила бошлайди. Ёшлар нафақат ўзини катта ҳаётга қадам қўяётганлигини тасаввур қилади, балки унда ҳақиқаттан иштирок этади.

Ёшлик даврида маънавий-ахлоқий қадриятлар тизимининг шаклланиши нуқтаи назаридан биз Г.С.Абрамованинг “ечими ҳар бир инсоннинг шахсий ҳаётидаги нозик масала билан боғлиқ – “Мен”и, ички ва ташқи эркинлиги чегарасига доир саволлар”га тааллуқли ҳаётий вазифалар сифатида маънавий ўз-ўзини англаш ҳақидаги ғоясига эътибор қаратдик.

Юқоридаги психологик-педагогик ўзига хосликларни умумлаштириб айтиш мумкинки, талабаларда маънавий-ахлоқий қадриятлар тизимини ривожлантириш динамик кетма-кетликни ҳисобга олишни тақозо этади (2-расмга қаранг).

Талабанинг маънавий-ахлоқий қадриятлар тизимини ривожлантириш барқарор, мустақил ва яхлит ҳодиса сифатида мазкур феномен олий таълим муассасасида ўқув-тарбия ишлари, педагогик-психологик фанларни ўрганиш жараёнида қисман акс этганлигини кўрсатади. Бу эса, унга қизиқишнинг мавжуд эмаслиги, шунчаки, ноаниқлик доирасида уни ўрганишнинг мураккаблиги ҳақида гувоҳлик беради.



2-расм. Талабаларда маънавий-ахлоқий қадриятлар тизимини ривожлантириш динамикаси

Инсоннинг маънавий ривожланиш соҳаси доирасида субъект, шахс ва индивидуаллик сифатида талабаларнинг ёш тавсифи бир томондан, унинг маънавий камолотида педагогик-психологик фанларнинг ўрни ва роли бошқа томондан, талабалар йиллари ўз-ўзини намоён этишда акс этадиган фаол ахлоқий танлов даври эканлигини кўрсатди.

Диссертациянинг “**Заҳириддин Бобур асарлари воситасида талабаларда маънавий-ахлоқий қадриятлар тизимини ривожлантиришнинг педагогик асослари**” деб номланган иккинчи бобида Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарлари воситасида талабаларда маънавий-ахлоқий қадриятлар тизимини ривожлантириш мазмуни, Бобур ижодиёти воситасида талабаларда маънавий-ахлоқий қадриятлар тизимини ривожлантириш модели, бадиий педагогика ва виртуал музей интеграцияси асосида талабаларда маънавий-ахлоқий қадриятлар тизимини ривожлантириш масалалари ёритиб берилган.

Бобур ғазал, рубоий, туюқ, қитъа, фард, маснавий жанрларида қалам тебратиб, айниқса, ғазал ва рубоийда юксак маҳорат кўрсатган. Албатта, унинг ижодида ҳам буюк устозларига эргашиб ёзилган анъанавий ишқу муҳаббат мавзуидаги шеърлар кўпчилики ташкил этади. Айни пайтда шоир аниқ ҳаёт тасвири, кундалик воқеалар баёни, шахсий ҳис-туйғулар тасвирига кенг ўрин беради. Бу шеърларда Ватан соғинчию, ғурбат ғами, зафарлар қувончию мағлубиятлар алами ўзининг ёрқин бадиий ифодасини топган. Тақдир зарбалари ва шикоят, хиёнат аҳлини фош этиш ҳамда ўзидан норозилик оҳанглари ҳам етакчи ўрин тутди. Хусусан, кўнгил кайфияти ифодаланган шеърлар ўзининг ҳаққонияти ва самимияти билан ажралиб туради. Баъзи шеърларида табиат манзараларининг гўзал ва бетакрор чизгиларини учратамиз. Улар орасида инсоний комилликка даъват қилиб, илму маърифатнинг аҳамиятини улуғлаб, дунё, нафс, ҳою ҳавас, жоҳиллик ва ғофилликни қоралаб, ёзилган, панд-насихат йўналишидаги шеърлар ҳам талайгина. Содда ва тушунарли тил, табиий ва самимий ифода тарзи ҳаётий ҳодисалар ҳамда

кечинмалар талқини билан уйғунлашиб, Бобур шеърятининг фавқулодда халқчиллиги ва бадий баркамоллигини таъминлаган.

Бобур кишиларни яхшилик қилишга чақирар экан, уларни илм-маърифат, касб-хунарни эгаллашга ундайди. Унинг панд-насихатини одамзод илм билан тирик, илм эса одамзод билан, деган юксак ғоя ташкил этади. Бобурнинг илм-фан ва унинг фазилати ҳақидаги қарашлари унинг қатор шеърларида ҳам, “Бобурнома”да ҳам ифодаланган.

Бобурнинг фикрича, инсон ўзининг ҳаётий фаолиятининг асосига яхшиликни асос қилиб олмоғи керак. Чунки одамдан қоладиган бирдан-бир ўчмас мерос – яхшиликдир. Бу дунёда яхшиликдан кўра лаззатлироқ нарса йўқ. Бобурнинг эътиқоди ҳам, ижтимоий-сиёсий фаолияти ҳам ана шу ақидага асосланади.

Бобур асарларида олға сурилган маънавий-ахлоқий қадриятлар мазмунини ёритиб бериш жараёнида замонавий шароитда талабаларда шакллантириш лозим бўлган 10 та таянч компетенцияси (Ватанга садоқат, тадбиркорлик, иродалилиқ, мафкуравий иммунитет, меҳр-оқибатлилиқ, масъулиятлилиқ, толерантлик, ҳуқуқий маданият, инновацион фикрлаш, меҳнатсеварлик) ва унинг қарашлари ўртасида ўзаро алоқадорлик мавжуд, деган хулосага келинди (3-расмга қаранг).




3-расм. Таянч маънавий компетенциялар ва Бобур асарларида ифодаланган маънавий-ахлоқий қадриятлар уйғунлиги

3-расмдан кўриниб турибдики, талабаларда таянч маънавий компетенцияларни ривожлантиришда Бобур томонидан илгари сурилган

маънавий-ахлоқий кадриятлар билан боғлиқ педагогик қарашлардан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқот доирасида Бобур асарлари асосида талабаларда маънавий-ахлоқий кадриятлар тизимини ривожлантиришнинг ташкилий-функционал модели ишлаб чиқилди (4-расмга қаранг).



4-расм. Бобур асарлари асосида талабаларда маънавий-ахлоқий кадриятлар тизимини ривожлантиришнинг ташкилий-функционал модели

Тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган модел педагогик қарашларни моделлаштириш талабларига жавоб бериб, мақсадли, методологик, мазмунли, ташкилий-педагогик компонентларни ўз ичига қамраб олди.

Тадқиқот доирасида “Бобур адабий мероси” виртуал музейи яратилди. Виртуал музей Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ва ижоди, асарлари, бобуршунос олимлар асарларини ўзида акс эттирган бўлиб, виртуал саёҳатлар ўтказиш имконини беради. Виртуал музейнинг умумий кўриниши 5-расмда ўз ифодасини топган.



5-расм. Бобур адабий мероси виртуал музейининг умумий кўриниши (www.boburshoh.uz)

Виртуал музейга талабаларнинг виртуал саёҳатлар ўтказиш жараёнини самарали амалга ошириш мақсадида тадқиқот доирасида махсус педагогик алгоритм ишлаб чиқилди.

Виртуал экскурсияни ташкил этишга доир машғулот бир нечта босқичда амалга оширилди:

биринчи босқичда талабалар билан ҳамкорликда уларнинг қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда, экскурсиянинг мақсади аниқланди ва объектлари белгилаб олинди. Ушбу экскурсиянинг мақсади сифатида Бобур адабий мероси ҳақида маълумот берувчи музейларга саёҳат қилиш, улардаги моддий ва маънавий қадриятлар ҳақидаги қўшимча маълумотларни ўрганиш асосида талабаларнинг аксиологик дунёқарашини кенгайтириш белгилаб олинди;

иккинчи босқичда виртуал музейлар асосида талабалар мустақил равишда объектлар тўғрисидаги ахборотларни излашди, уларни ўрганиб, таҳлил этиш асосида вилоят тарихи ва маданияти ҳақида маълумот берувчи музейлар ҳақида тайёрланадиган маърузанинг режасини тузишди. Сўнгра кўргазмали материаллар асосида тақдимот яратишди. Талабалар кичик гуруҳларга

бўлинган ҳолда ҳар бири ўзи тайёрлаган маърузага тузатиш ва ўзгартиришлар киритиш мақсадида синов тариқасидаги тақдимотларни ўтказишди. Сўнгра умумий ўрта таълим мактабларидан таклиф этилган ўқувчи-экскурсантлар билан бирга талабалар виртуал экскурсияни амалга оширишди. Экскурсияга жалб этилган ўқувчилар томонидан берилган саволларга жавоб беришди;

якуний босқичда профессор-ўқитувчи томонидан тақдим этилган мезонлар асосида талабаларнинг тақдимотлари муҳокама этилди ва баҳоланди.

Диссертациянинг **“Талабаларда маънавий-ахлоқий кадриятлар тизимини ривожлантириш самарадорлиги”** деб номланган учинчи бобда Тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш методикаси ҳамда натижалари ва таҳлили ёритиб берилган.

Тажриба-синов ишларининг мақсади талабаларнинг маънавий-ахлоқий кадриятлар тизимини ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари самарадорлигини аниқлашдан иборат этиб белгиланди. Яратилган педагогик шарт-шароитларнинг таъсир этиш даражасини билиш учун ўтказилган тажриба-синов ишларининг самарадорлигини аниқлаш лозим.

Тадқиқотнинг биринчи ва иккинчи бобда тақдим этилган хулосалар асосида ва жараёни ташхис этишга доир шахсга йўналтирилган ёндашувни ҳисобга олган ҳолда талабаларда маънавий-ахлоқий кадриятлар тизимининг ривожланганлигини ўрганиш методикаси ишлаб чиқилди.

Тажриба-синов ишларини ташкил этиш методикаси:

1. Тажриба-синов ишлари қуйидаги босқичларда амалга оширилди: асословчи – талабаларда маънавий-ахлоқий кадриятлар тизимининг ривожланганлиги мавжуд ҳолатини ўрганиш; шакллантирувчи – талабаларда маънавий-ахлоқий кадриятлар тизимини ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитларини асослаш ва таълим амалиётига жорий этиш; аниқлаштирувчи – шакллантирувчи тажриба-синов ишларининг самарадорлиги ва талабаларда маънавий-ахлоқий кадриятлар тизимининг ривожланиш динамикасини аниқлаштириш;

2. Талабаларда маънавий-ахлоқий кадриятлар тизимининг ривожланганлик даражасини баҳолаш мезонларига мувофиқ тажриба-синов ишлари натижавийлигини ташхис этиш тизимини ишлаб чиқиш.

3. Тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган талабаларда маънавий-ахлоқий кадриятлар тизимини ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитларини амалга ошириш орқали қўлга киритилган натижаларни таҳлил этиш.

Талабаларда маънавий компетентликнинг ривожланганлик даражасини ташхис этиш учун қуйидаги диагностик воситалар ишлаб чиқилди:

1. Талабаларнинг Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ва ижодига доир билимларини аниқлашга доир тест саволлари. Мазкур тест 35 та саволдан иборат бўлиб, талабалардан жавоблар орасидан ўзига маъқул вариантни танлаш ва доирага олиб қўйиш сўралган.

2. Талабаларда мақсадли (терминал) ва воситали (инструментал) кадриятларнинг ривожланганлигини аниқлаш бўйича сўровномалар. Сўровномаларда мустақил тартибдаш учун 18 тадан мақсадли (терминал) ва воситали (инструментал) кадриятлар ўрин олган. Талабалардан кадриятлар билан

танишиш ва уларни ўзи учун муҳимлик даражасига кўра кетма-кетликда рақамлаб чиқиш, яъни, аҳамиятлилик даражасига кўра қайта тартиблаш сўралган.

Ўтказилган тажриба-синов ишлари самарадорлигини аниқлаш мақсадида Фишер методикасидан фойдаланилди.

Тажриба-синов ишлари Тошкент давлат педагогика университети, Андижон давлат университети, Жиззах давлат педагогика университетидида 2018-2021 йилларда амалга оширилди. Тажриба-синов ишларига мазкур олий таълим муассасаларининг педагогика ва психология, бошланғич таълим ҳамда мактабгача таълим педагогикаси ва психологияси бакалавриат йўналишларининг 467 нафар талабалари жалб этилди. Шундан тажриба гуруҳи талабалари 238, назорат гуруҳи талабалари 229 нафарни ташкил этди.

Талабаларда маънавий-ахлоқий қадриятлар тизimini ривожлантириш бўйича тажриба-синов ишларининг якуний босқичида унинг натижавийлигини тўлиқ амалга оширишга эришилди (1-жадвалга қаранг). Олинган натижалар талабаларда маънавий-ахлоқий қадриятлар тизимининг ривожланганлик даражаси яхлитликда барча кўрсаткичлар бўйича юқори бўлганлигини кўрсатди.

1-жадвал

Талабаларда маънавий-ахлоқий қадриятлар тизимининг ривожланганлик даражаси (якуний босқич)

Гуруҳлар		Кўрсаткичлар								
		Танишув-аналитик			Қадриятли йўналганлик			Рефлексив-фаолиятга доир		
		Даражалар								
		Юқори	Ўрта	Паст	Юқори	Ўрта	Паст	Юқори	Ўрта	Паст
Тажриба гуруҳи	%	52,52	34,03	13,45	57,98	34,45	7,56	42,86	44,96	12,18
	Сони	125	81	32	138	82	18	102	107	29
Назорат гуруҳи	%	22,27	47,16	30,57	20,09	58,52	21,40	17,03	53,28	29,69
	Сони	51	108	70	46	134	49	39	122	68

Тажриба-синов ишларини ташкил этишнинг мазкур босқичи якуний жиҳатни ўзида акс эттирар экан, яратилган ташкилий-педагогик шарт-шароитлар мажмуи билан боғлиқликда талабаларда маънавий компетентликнинг ривожланганлиги самарадорлигини баҳолашимиз зарур. Ана шу мақсадда биз Фишер методикасини маънавий компетентликнинг танишув-аналитик кўрсаткичлари учун қайта (тажриба-синов ишларининг биринчи босқичидаги каби) қўлладик. Биз якуний назорат кесими бўйича тажриба ва назорат гуруҳи натижаларини таққосладик (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

Якуний назорат кесимининг статистик таҳлили

Танланма	Самарадорлик мавжуд (юқори ва ўрта даража)	Самарадорлик мавжуд эмас (паст даража)	Жами
Биринчи танланма (тажриба гуруҳи – 238 нафар) (кузатув сони ва улуш фоизи)	$125+81=206$ $\frac{206}{238} \cdot 100\% = 86,6\%$	32	$206 + 32 = 238$
Иккинчи танланма (назорат гуруҳи – 229 нафар) (кузатув сони ва улуш фоизи)	$51+108=159$ $\frac{159}{229} \cdot 100\% = 69,4\%$	70	$159 + 70 = 229$
Жами Σ	$206 + 159 = 365$	$32 + 70 = 102$	$365 + 102 = 467$ $238 + 229 = 467$

Умуман олганда, ўтказилган тажриба-синов ишлари тадқиқот фарази ўз тасдиғини топганлиги, мақсадга эришилганлиги, вазифалар самарали ҳал этилганлигини кўрсатади.

ХУЛОСА

Педагогика олий таълим муассасаси талабаларида маънавий-ахлоқий кадриятлар тизимини Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларини ўрганиш орқали ривожлантириш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Маънавий-ахлоқий кадриятлар тизими маданий ҳодиса сифатида интегратив тавсифга эга бўлиб, умуминсоний кадриятлар ва замонавий шароитда муҳим ҳисобланган ахлоқий меъёрларни ўзлаштиришнинг муайян даражасини ўзида акс эттиради. Шунингдек, маънавий-ахлоқий кадриятлар тизими касбий компетентликнинг қуйидаги жиҳатларини ҳам ўзида акс эттиради: касбий фаолиятга кадриятли муносабат, мазкур фаолиятнинг шахсий маънавий моҳиятининг анланганлиги, касбий мулоқотнинг инсонпарвар йўналганлиги ва бошқалар.

2. Талабаларда маънавий-ахлоқий кадриятлар тизимини ривожлантириш қуйидаги динамик кетма-кетликни ҳисобга олишни тақозо этади: шахснинг маънавий эҳтиёжини қондириш; шахсий-ижтимоий кадриятларнинг аҳамиятини англаб етиш; ўз хулқ-атворини аксиологик таҳлил этиш асосида бошқариш; ижтимоий онг шакллари билан боғлиқликда кадриятларни ички қабул қилиш (интериоризация) ва ташқи намоён этиш (экстериоризация); ижтимоий кадриятларни кундалик фаолиятида амалиётга татбиқ этишга тайёрлик, когнитивлик ва ижобий муносабатнинг амалий ифодаси; ҳаётий мақсадларини аниқ белгилай олиш, истиқболни лойиҳалай олиш, ўз куч ва имкониятларини бахтли ҳаёт сари йўналтириш.

3. Шахснинг маънавий ривожланиш соҳаси доирасида субъект, шахс ва индивидуаллик сифатида талабаларда маънавий-ахлоқий кадриятлар тизимини ривожлантириш қуйидаги жиҳатларда ёрқин намоён бўлади: маънавий жиҳатдан ўз-ўзини англаш, ҳаётий мақсадларни белгилаш; яхлитликда ўз “Мен”ини асослаш, бошқа кишилар ва ўз-ўзига нисбатан муносабатини аниқлаштириш; маънавий-ахлоқий муаммоларга қизиқиш, маънавиятнинг ички анланганлиги (интериоризация), шахсий дунёқараш таркиб топтириш; ўз турмуш тарзини белгилаш, ўз-ўзини англаш, ўз-ўзини тушуниш, рефлексия, ўз-ўзини ҳурмат қилиш, ижтимоий очиқлик, ташаббускорлик, мустақилликка интилиш.

4. Бобур асарларида олға сурилган маънавий-ахлоқий кадриятлар мазмунини ёритиб бериш жараёнида замонавий шароитда талабаларда шакллантириш лозим бўлган ўнта таянч маънавий компетенция ўртасида ўзаро алоқадорлик мавжуд, деган хулосага келинди. Мутафаккир педагогик қарашларида қуйидаги маънавий-ахлоқий кадриятлар ўз аксини топган: Ватан соғинчи, ишбилармонлик, босиқлик, чидамлилик, ғоявий собитлик, ҳалимлик,

меҳр-шафқат кўрсатиш, интизомлилик, тоқатлилик, сабрлилик, адолатпарварлик, соғлом тафаккур юритиш, ўзгалар меҳнатини қадрлаш.

5. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг асарлари бадиий педагогика ва миллий тарбия нуқтаи назаридан кенг қамровга эга бўлганлиги сабабли улардан талабаларда маънавий-ахлоқий қадриятлар тизимини ривожлантиришда фойдаланишнинг ташкилий-функционал моделини ишлаб чиқишни тақозо этади. Ана шу нуқтаи назардан тадқиқот доирасида Бобур асарлари асосида талабаларда маънавий-ахлоқий қадриятлар тизимини ривожлантиришда фойдаланишнинг ташкилий-функционал модели ишлаб чиқилди. Тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган модел педагогик қарашларни моделлаштириш талабларига жавоб бериб, мақсадли, методологик, мазмунли, ташкилий-педагогик компонентларни ўз ичига қамраб олди.

6. Тадқиқот жараёнида бадиий педагогиканинг энг асосий тамойили талабаларда ҳис-туйғу (эмоция)ни ривожлантириш, маънавий қадриятлар интериоризациясини таъминлаш бўлмоғи лозим, деган хулосага келинди. Бадиий педагогика воситасида маънавий-ахлоқий қадриятлар тизимини шакллантириш мураккаб кўринишга эга бўлиб, мазкур жараён ўзаро бир-бири билан боғланган таркибий қисмлар йиғиндиси сифатида намоён бўлади. Бундай ўзаро алоқадор қадриятли тасаввурлар тизимининг таркибий қисмларига эҳтиёж, қизиқиш, мотив, фаолият мақсади, ахлоқий идеаллар, интериоризация кабиларни киритиш мумкин.

7. Тадқиқот доирасида “Бобур адабий мероси” виртуал музейи яратилди. Мазкур виртуал музей ўзида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ва ижоди, асарлари, бобуршунос олимларнинг асарларини акс эттирган бўлиб, виртуал саёҳатлар ўтказиш имконини беради. Виртуал музейга талабаларнинг виртуал саёҳатлар ўтказиш жараёнини самарали амалга ошириш мақсадида тадқиқот доирасида махсус педагогик алгоритм ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижалари асосида қуйидаги илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Олий педагогик таълимни рақамлаштириш шароитида Шарқ педагогикаси, шу жумладан, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг педагогик қарашларини ўрганишга доир виртуал клублар фаолиятини йўлга қўйиш лозим.

2. Талабаларда маънавий-ахлоқий қадриятлар тизимини ривожлантиришга миллий тарбия усулларини рақамли технологиялар билан интеграциясини таъминлаш зарур.

3. Бўлажак ўқитувчиларда китобхонлик компетенциясини ривожлантиришда “Жонли китоб” лойиҳаси доирасида қиссахонлик, шу жумладан, “Бобурхонлик кечалари”ни мунтазам ташкил этиб бориш лозим.

4. Педагогика олий таълим муассасаларида “Бобурхонлик ҳафталиги” доирасида “Уч авлод учрашуви ва уч буюк қадрият” маънавий-маърифий тадбирларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

АДИЛОВА ДИЛОРОМ НУРИЛЛАЕВНА

**РАЗВИТИЕ СИСТЕМЫ ДУХОВНО-НРАВСТВЕННЫХ ЦЕННОСТЕЙ
У СТУДЕНТОВ ПЕДАГОГИЧЕСКОГО ВЫСШЕГО
ОБРАЗОВАТЕЛЬНОГО УЧРЕЖДЕНИЯ
(на примере произведений Захириддина Мухаммада Бабура)**

13.00.01 – Теория педагогики. История педагогических учений

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2019.3.PhD/Ped1057.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном педагогическом университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tdpu.uz) и Информационно-образовательном портале Ziyonet (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: **Ходжаев Бегзод Худойбердиевич**
доктор педагогических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Хакимова Мухаббат Файзиевна**
доктор педагогических наук, профессор

Олимов Ширинбой Шарафович
доктор педагогических наук, профессор

Ведущая организация: **Термезский государственный университет**

Защита диссертации состоится “___” _____ 2022 года в ___ на заседании Научного совета DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 по присуждению ученых степеней при Ташкентском государственном педагогическом университете (Адрес: 100185, город Ташкент, Чиланзарский район, ул. Бунёдкор, 27. Тел.: (+998) 71-276-79-11; факс: (+998) 71-276-80-86; e-mail: tdpu_kengash@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного педагогического университета (зарегистрирована за №___). Адрес: 100185, город Ташкент, Чиланзарский район, ул. Бунёдкор, 27. Тел.: (+998) 71-276-75-87; факс: (+998) 71-276-80-86.

Автореферат диссертации разослан “___” _____ 2022 года.
(реестр протокола рассылки №___ от “___” _____ 2022 года)

З.Н.Мамаражабова
председатель Научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.п.н., профессор

Р.Г.Исянов
ученый секретарь Научного совета
по присуждению ученых степеней,
к.п.н., доцент

С.С.Булатов
председатель научного семинара при
Научном совете по присуждению
ученых степеней, д.п.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире в образовательные процессы внедряются технологии разработки эффективных механизмов изучения и популяризации историко-культурного, научно-педагогического наследия, развития у студентов чувства уважения к национальным и общечеловеческим ценностям, установления историко-педагогического мышления у будущих педагогов, формирования мотивационно-ценностного отношения к литературно-педагогическим источникам. В настоящее время, когда процессы интернационализации и интеграции интенсивно набирают обороты, ведется системная работа по реализации крупных международных проектов по формированию у студентов положительной мотивации к усвоению духовно-нравственных ценностей, совершенствованию педагогических механизмов обеспечения интеграции деонтологических компонентов будущей профессии с процессами профессиональной подготовки.

В образовательных и научно-исследовательских учреждениях мира проводятся научные исследования по совершенствованию педагогических механизмов формирования аксиологической ориентации у студентов, разработке технологий развития системы профессионально-педагогических ценностей у будущих педагогов, модернизации педагогической системы установления национальной гордости и достоинства у обучающихся на основе историко-антропологического подхода. Актуальность приобретают установление аксиологического отношения у будущих учителей к историко-культурному наследию, совершенствование ценностно-ориентированного компонента развития педагогической способности, разработка дидактической системы развития деонтологической компетентности на основе национальных и общечеловеческих ценностей, разработка технологий, основанных на цифровом образовании, работы над первичными педагогическими источниками, совершенствование механизмов развития историко-педагогического мышления у студентов посредством виртуально-образовательных музеев.

На новом этапе развития Узбекистана одной из приоритетных задач является создание в обществе современного духовного пространства путем воспитания духовно совершенного и самостоятельно мыслящего поколения. В Узбекистане в нынешнем историческом процессе, когда закладываются основы Третьего Ренессанса, приоритетность приобретают повышение эффективности и действенности духовно-просветительской работы, дальнейшее расширение их объема и масштаба, усиление чувства сопричастности проводимым реформам в душах населения страны, прежде всего, молодежи, организация работы на научной основе в пропагандистско-агитационном, а также воспитательном направлениях, повышение эффективности научных и методических исследований по данной сфере, внедрение системы постоянного контроля,

направленной на укрепление устойчивости социально-духовной среды¹. Это предполагает определения педагогико-психологических особенностей развития системы духовно-нравственных ценностей у студентов, освещения содержания развития системы духовно-нравственных ценностей у студентов посредством произведений Захириддина Мухаммада Бабура, совершенствования педагогических условий развития системы духовно-нравственных ценностей у студентов в процессе изучения произведений Бабура.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, предусмотренных в указах Президента Республики Узбекистан «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022–2026 годы» от 28 января 2022 года № УП-60, «Об утверждении Концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года» от 8 октября 2019 года № УП-5847, «О мерах по развитию сфер образования и воспитания, и науки в новый период развития Узбекистана» от 6 ноября 2020 года № УП-6108, постановлениях главы государства «О дополнительных мерах по повышению эффективности духовно-просветительской работы» от 3 мая 2019 года № ПП-4307, «О мерах по коренному совершенствованию системы духовно-просветительской работы» от 26 марта 2021 года № ПП-5040, Кабинета Министров «О мерах по реализации и утверждению Концепции непрерывного духовного воспитания» от 31 декабря 2019 года № 1059, а также других нормативно-правовых документах, касающихся данной деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий республики I. «Формирование системы инновационных идей в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовно-просветительском развитии информированного общества и демократического государства и пути их реализации».

Степень изученности проблемы. В исследованиях ученых нашей республики Н.Азимовой, М.Каххаровой, Ш.Мажитовой, Р.Маматкуловой, Г.Махмутовой, М.Махкамовой, О.Мусурмоновой, С.Нишоновой, Ш.Олимова, Д.Рузиевой, З.Салиевой, Ш.Тайлаковой, Ш.Тайлановой, Н.Уриновой, У.Утанова, Ш.Халиловой, Н.Эгамбердиевой, М.Курунова освещены вопросы духовно-нравственного воспитания будущих учителей, обеспечения устойчивости духовно-нравственной среды в обществе, воспитания поведенческо-этических качеств у студентов университета на основе национального духовного наследия, социально-педагогических особенностей духовного становления студентов, подготовки будущих педагогов к воспитательной деятельности на основе компетентного подхода, личностной и профессиональной социализации студентов. Если С.Азимжоновым, Г.Ашуровой, Р.Каримовым, Х.Султоновым, Б.Тухлиевым, Ш.Хайитовым изучены литературно-лингвистические аспекты произведений

¹ Постановление Президента Республики Узбекистан «О мерах по коренному совершенствованию системы духовно-просветительской работы» от 26 марта 2021 года № ПП-5040 // Национальная база данных законодательства, 26.03.2021 г., № 07/21/5040/0243.

Захириддина Мухаммада Бабура, то Б.Кораева провела научные исследования по воспитанию нравственного убеждения у учащихся старших классов на основе произведений Захириддина Мухаммада Бабура.

Среди ученых стран Содружества Независимых Государств (СНГ) В.Байденко, А.Беляевой, С.Зильберманом, В.Игнатовой, И.Исаевым, О.Марачковской, Н.Розовым, И.Суриной, Л.Супруновой, А.Серым, С.Троянской, А.Шаровым, Е.Шияновым, Г.Щевелёвой, Н.Щурковой исследованы вопросы духовно-нравственного формирования будущих педагогов в системе педагогической культуры, педагогических факторов духовно-нравственного становления, развития общекультурной компетентности у студентов посредством музейной педагогики.

